

**Ориф ТОЛИБ**

# **УЧРАШУВ**

*шеърлар*

Тошкент  
“Адиб” нашриёти  
2011

## Севги фасли

### **Изн**

Мактабимга ҳеч шошилмасдим,  
Ҳамма билар эди феълимни.  
Кечикардим, парво қилмасдим:  
“Узр, устоз, кирсам майлими?”

Хаёлпараст, ўйчан шоирга  
Тергаб-тергаб дарс берди ҳаёт.  
Гоҳо кўмиб минг битта сирга,  
Гоҳ севгидан қарз берди ҳаёт.

Туйғуларга ўйин бўлдим ҳўп,  
Дил ярамга сепилди тузлар.  
Шошмагандим, ҳали эрта деб,  
Эрта тегди шошқалоқ қизлар.

Танаффусни кутган боладай  
Бу дарслардан зерикдим, рости.  
Жалаларда қолган лоладай  
Кўнглим мудом азобда ўсди.

Кейин сизни учратдим бирдан,  
Яшилликка бурканди дунё.  
Назаримда, милён йил ўтган,  
Милён йилга кечикдим гўё.

Мана, келдим. Кутаман изн,  
Ёруғ ҳаёл сурсам майлими?  
Осмондаги ойим, юлдузим,  
Кўнглингизга кирсам майлими?

2009

## Оғрик нуқта

Сувсиз саҳролардай ўртанар жоним,  
Кўнглим ташна бўлиб, ёниб севаман.  
Севгига ишониб, бахтга ишониб,  
Майда туйғулардан тониб севаман.

Сен-чи, соғинтириб қийнайсан атай,  
Мен эса алашим шеърдан оламан.  
Дардимни бўлишмай, ҳеч кимга айтмай,  
Куйган дил зорини куйга соламан.

Ўзинг айт, дард борми бундан зиёда –  
Тилсиз балиқлардай сўзсиз оҳ урсам.  
Сен баҳордай яшнаб юрган дунёда  
Ҳижронга қофия излаб ўтирсам!..

Асли одат эмас менга шоирлик,  
Барин унутаман сен келганинг чоқ.  
Билсанг, малол келар ортиқча юкдек  
Ошиқликни қўйиб шоирлик қилмоқ.

2009

## Келишув

Сени сўраб безор қилди юрагим,  
Бола турволгандай топ деб музқаймоқ.  
Зўрға овунтирдим, зўрға алладим –  
Хаёлларим бўлди хонангда қўноқ.

Майин сочларингни сийпалаб аста,  
Шодон болакайдай сакради юрак.  
Уйғониб қолма деб хонангдан тезда  
Чиқиб кетди хаёл – хуркак капалак.

Бугун яна йиғлаб ўтирар кўнглим,  
Алдаганим билди бола бўлсаям.  
Урсам жон ачийди – бормайди қўлим,  
У эса қаттиқроқ бўзлар дам-бадам.

Хуллас, кўп уринмай, вақтлироқ ётиб,  
Эртага тутзорга келгин эртароқ.  
Бор-йўғим – энг гўзал сўзларни сотиб  
Оберишим керак унга музқаймоқ.

2008

### **Осмонимда кулмасмисан**

Ҳаволаб-ҳаволаб тиниқ тортган ой,  
Олислаган сайин ҳусни ортган ой,  
Ширин-ширин хаёл суриб ётган ой,  
Менинг осмонимда кулмасмисан, айт?

Кўз юмдиму босдим тиконни шартга,  
Жон-жаҳоним ёнди ишқ деган дардда,  
Менга деса, куйсин яна минг марта,  
Телба юрагимни билмасмисан, айт?

Йироксан, ёмон-да ёрнинг фироғи,  
Қўл чўзсам еткудай яқинсан гоҳи,  
Йўлингга кўз тикиб кутганим чоғи  
Нур сочиб, дил очиб келмасмисан, айт?

Ўн беш кун юксакдан жой берар фалак,  
Ўн беш кун пойингда интизор, ҳалак,  
Кўксимда бир умр қолгин, эй тилак,  
Дилни излаётган дилмасмисан, айт?

*2007*

## Савол

Шаббода гул билан ўйнар эринчак,  
Эгасиз чайқалар маънос ҳалинчак...  
Беланчак тебратган гулюз келинчак,  
Унсиз йиғи сени бедор этдими?

Йўқотганим бир сен, топганим бисёр:  
Бир дунё армону қанчалар озор,  
Дардларим – ишқимнинг болалари бор,  
Севинчим кўзимга ёшлар элтдими?

Нетай, кўшиқларим маҳзун тўқилди,  
Сўзларим кўзёшдай бир-бир тўқилди,  
Ҳасратимни тинглаб ҳилол буқилди...  
Оҳларим сенгаям бориб етдими?

Бугун мен кўнглини йўқотган одам,  
Шуурида сўнгсиз изтироблар жам,  
Айт, гулим, бизларга бахт улашган дам  
Фақат хаёлларда қолиб кетдими?

2007

## Таржимаи ҳол

Хаёлларга эргашиб,  
Тоғлар ошиб, қир ошиб,  
Ҳижрон билан курашиб  
Ёқавайрон бўлганман.

Гул бермадим, дил бердим,  
Дилмас, содиқ қул бердим,  
Шаҳар бердим, йўл бердим –  
Мен сен томон бўлганман.

Ўйлар мени қийнади,  
Тўйлар мени қийнади...  
Алдов – қизлар зийнати,  
Бошда ҳайрон бўлганман.

Шоирлик эмас илм,  
Шунга овунар дилим,  
Ишқ билан чиқди тилим,  
Дарддан бийрон бўлганман.

Сўзларга ишонгандим,  
Кўзларга ишонгандим,  
Қизларга ишонгандим...  
Роса нодон бўлганман.

Ишқнинг қўлига тушдим –  
Гўё келига тушдим,  
Билиб туриб адашдим,  
Расвои жон бўлганман.

2007





### **Кейин...**

Сен бахтингни – йўлни ўзинг танладинг,  
Мен-чи, кўл силкидим дутор чалгандай.  
Бир ёмон қийналдим, номус қилдим сўнг  
Бундай қисмат фақат менга келгандай.

Аслида, ким севиб бахтига етган,  
Қанча бирга бўлган севги ва висол?  
Барча чин ошиқлар омадсиз ўтган,  
Толенинг кулгани хаёлдир, хаёл.

Сенда ҳам, менда ҳам йўқ эди айб,  
Шу сабаб дардимни ичга ютаман:  
Олдин сени сўкиб оламан тўйиб,  
Кейин... Кейин сени ўйлаб ётаман.

*2011*

## Гарчи

Баҳордай тез келиб-кетдинг сен,  
Гарчи менга тутқаздинг армон.  
Гарчи алам ғолиб келган кун  
Кўзларимга кўриндинг ёмон.

Гарчи кўнглим зардобга тўлиб,  
Сендан буткул юзим бурсам ҳам,  
Сен барибир гўзалсан, гулим,  
Сен барибир яхшисан, эркам.

*2011*

## Орзу

Дардли шеърлар меъдамга тегди,  
Шодон-шодон кўшиқлар айтсам.  
Учкур қанот боғлаб, қанийди,  
Ўша ёруғ кунларга қайтсам.

Мени ортиқ эзмаса алам,  
Кўтармасам айрилиқ юкин.  
Бутун умр билмасдан ўтсам  
Соғинч деган азоб борлигин.

Мен Ер каби бир издан юрсам,  
Йўлларимиз ҳар кун туташса.  
Ҳар кун ойдаи юзингни кўрсам,  
Кўзларингдан кўзим қамашса.

Ўнгга дўниб бу ширин эртак,  
Сен билан соз-суҳбатлар курсам.  
Олдингидек дўсту ёр бўлсак,  
Севишимни билмасанг сен ҳам.

*2011*

## Соғинч

Тутуриқсиз дард бўлар соғинч,  
Тутиб қолар кутилмаганда,  
Сув қуйгандек осойишта кеч  
Ё ғалвали, тўполон кунда.

Соғинч – айёр. Мен уни алдаб,  
Авраб қочиб кета олмайман.  
Феълин яхши билганим сабаб  
Йиғлатса ҳам ҳайрон қолмайман.

Сен ҳам ҳайрон бўлмагин, дилдор,  
Сершовқин кун ё сокин тунда  
Деразангни авайлаб уч бор  
Кимдир чертса кутилмаганда.

*2011*

## Хайрлашув

Қутлуғ бўлсин тўйлари,  
Ярашибди бўйлари.  
Маъюс тортган бу қизнинг  
Кўпдир орзу-ўйлари.

Кўзга ёшлар тизмасин,  
Ёридан кўз узмасин,  
Яна кўнглин бузмасин  
Ёр-ёрларнинг куйлари.

Турли ипак, ипларга,  
Сандиқ-сандиқ сепларга,  
Фақат яхши гапларга  
Тўлсин янги уйлари.

Кўзи мўлтираб турган,  
Тунда ялтираб турган,  
Семирсин куёв берган  
Қора кўчқор, кўйлари.

Бахтга тўлаверсинлар,  
Хурсанд бўлаверсинлар,  
Энди кулаверсинлар,  
Очилсин чиройлари.

Отангиз кўкрак кериб,  
Мақтансин томоқ йириб.  
Қизини бойга бериб  
Ошди-ку обрўйлари.

Яхши қиз, яхши боринг,  
Бизни эсдан чиқаринг.

Узр, агар шеъримнинг  
Ботса у-бу жойлари.

Энди юрманг кўчамда,  
Энди турманг кўчамда.  
Кўнглим бузмасин яна  
Атрингизнинг бўйлари.

*2011*

## Севаман

Мени кўргач кийикдек қочган,  
Ниманидир қидира тушган,  
Куппа-кундуз куни адашган  
Нигоҳингни севаман, гулюз.

Ёнгинамдан ўтиб беписанд,  
Сўнг бу ишдан юрасан хурсанд.  
Ул олифта пошнангдек баланд  
Димоғингни севаман, гулюз.

Гўзалларга тараф йўқ экан!  
Гоҳ гул бўлар, гоҳида тикан.  
Жонга ёққан, жонни ўртаган  
Сўроғингни севаман, гулюз.

Жодуларинг кўпми шунча ҳам,  
Тишлайвериб тўзиди ёқам.  
Авжи ёзда қорлари ёққан  
Қовоғингни севаман, гулюз.

Алам билан кўксим муштлаган  
Юрагимга не десам экан?..  
Менмас, тилло сирға тишлаган  
Қулоғингни севаман, гулюз.

Интизор йўл пойлаган сарим,  
Соғинаман ўйлаган сарим.  
Аччиқ-аччиқ сўйлаган ширин  
Дудоғингни севаман, гулюз.

Тағин хатлар битиб юрмагин,  
Ногаҳонда озор бермагин,

Майли, асра, қавартирмагин –  
Бармоғингни севаман, гулюз.

Гарчи тенгсиз бир бағритошсан,  
Лек мен учун ойсан, куёшсан.  
Бобур мирзо айтгандек, бошдан –  
Оёғингни севаман, гулюз.

*2011*



### **Бир ажиб кун...**

Бир ажиб кун сени учратдим  
Ё сен ўзинг учратдинг мени.  
Мен ўзимни сенга ўргатдим  
Ё ўзингга ўргатдинг мени.

Энди юрак йиғлайди юм-юм  
Қараб қўйсанг кимгадир кулиб.  
Ўша қизнинг ёнида доим  
Юргин дейди қоровул бўлиб.

Сараладим сўзлар атрини,  
Бир гулдаста туза олдимми?  
Билолмадим, бирор сатримни  
Юрагингга ёза олдимми?

Узун-узун, йўллардир узун,  
Бу йўлларда адашдим кўп бор.  
Энди бошқа адашмаслик-чун  
Қўлларингдан тутаман, дилдор.

*2011*

### **Яхшисин излаб**

Сиз ҳаётдан хафасиз, дединг,  
Топармишман нукул камчилик.  
Юрагимни қилар бўлсам кенг,  
Кўрармишман фақат яхшилик.

Тўғри, анча инжикдир кўнглим,  
Ҳар нарсага кўнмаслиги рост.  
Аммо бу жўн ҳаётдан, гулим,  
Мен яхшисин излайман, холос.

Энг сарасин кидирдим мудом,  
Мудом нурга ташна кўзларим.  
Яхшисини кўрмаган бўлсам,  
Сени қайдан топдим, гўзалим?!

*2011*

### **Алдов ва биз**

Сени соғинишимни  
Муҳаббат деб атайман.  
У ҳам мени севар деб  
Сўнг ўзимни алдайман.

Сен алдама ўзингни  
Ва мени ҳам алдама.  
Мендай соғинмас бўлсанг,  
Уни севги атама.

Алдасман ҳеч сени,  
Ҳаёли қизсан, ахир.  
Юрагим орзу қилган  
Ҳаёлий қизсан, ахир.

Агар мени алдасанг,  
Туман қоплар кўзимни.  
Бундай пайт бошқа тугул  
Танимайман ўзимни.

Лек шоирман барибир,  
Ҳеч қўполлик қилмайман.  
Сочларингни авайлаб,  
Битта-битта юлгайман.

*2011*

## **Баҳона**

Доим зарур ишинг чиқади бирдан,  
Сен уйга вақтлироқ боришинг керак.  
Баҳоналар тайёр турар, масалан,  
Йўқ тандирга хамир қоришинг керак.

Мендан қочиб бориб, уйга қамалиб,  
Менимас, ўзингни кўпроқ қийнайсан.  
Зарур юмушларинг бир ёқда қолиб,  
Биламан, барибир мени ўйлайсан.

*2011*

## **Вақт**

Ёрни кутганимда тобора секин,  
Имиллаб-имиллаб зўрға ўтасан.  
Ёр келганда эса, қамчи емаган  
Саман тойдай шитоб йўртиб кетасан.

Одиллигинг шумиди, эй Вақт!?

*2011*

## **Кеча**

Биз йўлкадан кетиб борамиз,  
Икки ёнда сершовқин кўча.  
Кўзларингда порлайди юлдуз,  
Ёришади коронғу кеча.

Сен сўзлайсан шавқларга тўлиб,  
Мен завқингдан завққа тўламан.  
Зерикмайман кулдириб, кулиб,  
Бахтинг кўриб бахтли бўламан.

Ҳисларимиз сиғмайди сўзга,  
Юрагимиз яшнаган чўғдек.  
Бу дунёда бизлардан ўзга  
Ҳеч кимса йўк, ҳеч нарса йўқдек.

*2011*

## Танлаганим бор

Чорбоғидан илҳақ бўйлаганим бор,  
Тун-кечалар бедор ўйлаганим бор.  
Исмими кўксимга жойлаганим бор,  
Шу қизлар ичида танлаганим бор.

Капалакдек минг хил гулни қучгим йўқ,  
Бошқа нигоҳлардан меҳр ичгим йўқ.  
Юрагимга ундан яқин ҳеч ким йўқ,  
Шу қизлар ичида танлаганим бор.

Қараши маъноли, кўзи маъноли,  
Юрагимга озиқ – сўзи маъноли.  
Гўзал аразлари, нози маъноли,  
Шу қизлар ичида танлаганим бор.

Вафо қилар бўлса аҳду паймонга,  
Нарвонсиз етади бўйим осмонга.  
Гоҳ умид, гоҳ ҳадик солади жонга,  
Шу қизлар ичида танлаганим бор.

Қошда ўсмасидан рашк қиламан-у,  
Белда тасмасидан рашк қиламан-у,  
Белин қисмасидан рашк қиламан-у,  
Шу қизлар ичида танлаганим бор.

Жонимни киприкка илиб турибди,  
Юраги менга сал илиб турибди.  
Билмайсиз, лекин у билиб турибди,  
Шу қизлар ичида танлаганим бор.

2011

## Йўлда

Дала йўл. Қаршимда тўлишган боғлар,  
Пойида ариқлар куйлайди кўшиқ.  
Туйғулар кўнглимга пар қанот боғлар,  
Борлиқ ҳам мен каби хаёлчан ошиқ.

Йўлимга шаббода чиқади пешвоз,  
Келар-да, бўйнимга қўлин ташлайди.  
Кўксимга бош қўйиб жим турар бир оз,  
Сўнг юзу кўзимни силай бошлайди.

Тошдайман, қимир ҳам этмайман, фақат  
Энтикиб-энтикиб оламан нафас.  
Тамом асир этар бу оний фурсат,  
Кўнглимни қитиқлар ҳаяжон, ҳавас.

Мовийлашиб борар тобора осмон,  
Каттаяр дунёнинг бўйи ва эни.  
Яшил томирларда кўпиради қон,  
Сўнг ўйлай бошлайман негадир сени.

*2011*



## **Изтироб ранглари**

### **Икки қадам**

Сен келдинг, кўзлардан ғубор ариди,  
Ўтли шавқ уйғонди қушлар созида.  
Осмон тиниқ тортди, қорлар эриди,  
Гуллар нақшланди музнинг юзида.

Сен кетдинг, қолмади ҳаётда оҳанг,  
Тўрт фасл оламдан кўзларим толди.  
Темир бардошимни қоплаб олди занг,  
Юрак ёзги кирдай қовжираб қолди.

2007

## Куз

Янги келинчакдек безанди боғлар,  
Сувлар қикирлашиб қилар эркалик...  
Тиллодек товланиб турган япроқлар  
Овли йиллардан тутар эсдалик.

Ўшанда куз эди... Сени кўрдим мен,  
Ишқдан сўйлаворди қўшиқ, баётим.  
Кўксимни ёритиб яшнади чақин,  
Кўклам рангларига тўлди хаётим.

Ҳар тонг топишарди иккита нигоҳ,  
Сочингни хаёлан силардим ҳар тонг.  
Тезроқ тонг отсин деб эринчоқ, мудроқ  
Қуёшни уйғотиб келардим ҳар тонг.

Суйганим, куйганим, ёнганим билиб  
Гўё билмагандай бўзлатиб кетдинг.  
Зор қилиб, хор қилиб, интизор қилиб  
Овли ҳисларни музлатиб кетдинг.

Гўё баҳордан сўнг қиш келди ногоҳ,  
Гўё совуқ урди нозик гулимни.  
Қуёш уйғотолмас эринчоқ, мудроқ –  
Кўксимга қамалиб олган дилимни...

2008

## Найлайн

Сени мендан айиргани келдилар,  
Юрагимни тириклайн шилдилар,  
Ёр-ёр айтиб ўйнадилар, кулдилар,  
Бўзлаб-бўзлаб ўтар бўлдим, найлайн.

Бой бўлсайдим, ойга қўлим етарди,  
Юлдузларни кафтларимда тутардим,  
Барча ғирром ўйинларда ютардим,  
Энди дардим ютар бўлдим, найлайн.

Балки ўзим нўноқдирман, бўшдирман,  
Шу сабаб ҳам дард-аламга эшдирман,  
Бугун ғариб, қаноти йўқ қушдирман,  
Йўлим билмай кетар бўлдим, найлайн.

“Унутаман, тамом!” дедим-у, аммо;  
“Бу – энг сўнгги хатом!” дедим-у, аммо;  
“Янги ҳаёт, салом!” дедим-у, аммо  
Сизни яна қутар бўлдим, найлайн.

2009

## Сени кечирганман...

Ўзим билан ўзим қолганда ёлғиз  
Исканжага олар гоҳо туйғулар.  
Ёдимда жаранглаб кетади илкис  
Сен менга қолдириб кетган кулгулар.

Ўйлайман, энди сен ўтирасан жим  
Юрагинг ўртаниб, кўзёшинг ичиб.  
Ва мени ўйлайсан истамасанг ҳам  
Дадасига тортган фарзандинг кучиб.

Йўк, йўк! Мен адашдим, адашдим яна,  
Яна олиб қочди асов хаёлим.  
Сен бахтли бекасан, сен бахтли она,  
Гулдай оиланинг гулдай аёли.

Сени кечирганман, сен кетдинг мангу,  
Борсакелмас энди менинг йўлим ҳам.  
Туйғулар қанчалик солмасин кутқу,  
Ўзганики энди кўнглим, гулим ҳам.

Мабодо, бир куни ортингга қайтиб,  
Олис севгимизни этганинга ёд,  
Кўзёш тўкканинга узрлар айтиб,  
Сени кечирмасдим буткул, умрбод!

2010

## Кўзларимга тўлди юлдузлар

Бугун яна туташди йўлим,  
Ўйлар сурдим сенга термулиб.  
Ишқ, титроқни кўмсади кўнглим,  
Сўзлар айтдинг жилмайиб, кулиб.

Пойга солиб югурди йиллар,  
Мана, нелар қилмабди фироқ:  
Мен – шамолдай кўчкин, дарбадар,  
Сен – янаям гўзал, сулувроқ.

Орзуларга хаёл бўлиб банд,  
Юрагимга ишқ тўлган дамда  
Сен юз буриб кетдинг беписанд  
Ва мен қолдим ёлғиз аламда.

Ич-ичимда недир узилди,  
Томоғимга тиқилди сўзлар.  
Осмон олис, ер қаттиқ бўлди,  
Кўзларимга тўлди юлдузлар.

Бугун мана – сен қайтиб келдинг,  
Чин севгини англадинг, балки.  
Сўзлар айтиб жилмайдинг, кулдинг,  
Хотиротнинг урди юраги.

Сен севгига интиқсан, мушток,  
Ўзимда ҳам ишққа зўр ҳавас.  
Ёниб севай дейман-у, бироқ  
Нимадир кам, нимадир етмас.

2010

## **Афсус**

Ширин тушдай ўтиб кетди йиллар ҳам,  
Сени унутмоққа илож бўлмади.  
Муҳаббатга лим-лим тўлди-ю кўнглим,  
Лекин муҳаббатдан кўнглим тўлмади.

2005

## **Умрим фасллари**

Баҳор қадамингдан келтирди мужда,  
Ишқингдай куйдириб ўтди саратон.  
Қувончим кундуздай қисқарди кузда,  
Ўижронингдай аччиқ кечди қахратон.

2007

## **Сабаб**

Қандайдир меҳр билан боқар кўзларинг,  
Балки соддалигинг учун севарман.  
Қандайдир сеҳр билан боқар кўзларинг,  
Балки соддалигим учун севарман...

2009

## **Вўралигим**

Сабр қилсанг ўўрадан ҳалво битар, дедилар,  
Боғ атрофин ўўрадим, кўтардим кўраларни.

Мен ишониб қолибман, энди йиғлагим келар,  
Сабрсизлар ўғирлаб соб қипти ғўраларни.

*2011*

## **Сизга осон**

Сизга осон унутмоқ, кетмоқ,  
Сизга осон ҳамма-ҳаммаси.  
Менинг эса бўйнимда сиртмоқ,  
Юрагимда ишқнинг тамғаси.

Қайга борай, қайга югурай,  
Ёруғ дунё шунчалик торми?  
Айтинг, дардим кимга гапирай,  
Соғинишнинг давоси борми?

Айб ўзимда, ўзимдан ўтди,  
Юрагимни ишондим сизга.  
Севгимни ва йўлни йўқотдим  
Кўнгил бериб кўнгли йўқ қизга.

Тушунмайсиз, билмайсиз ахир  
Соғинч нима, нима айрилиқ.  
Сиз деб тинмай тиғласам бағир,  
Азоб чексам – сизга шу қизик.

Хайр энди, сиз бахтли бўлинг,  
Орзуларга етинг, гулойим.  
Аммо соғинч нелигин билинг,  
Севиб қолинг сиз ҳам, илойим!

*2010*



### **Кўнглим йиғлайди**

Эй хамишабахорим,  
Гулдай кулган сулув қиз.  
Тўй куни ҳам йиғламай  
Келин бўлган сулув қиз.  
Мен ҳам худди сен каби  
Ҳаммасидан кўз юмдим.  
Энг гўзал туйғуларни  
Тириклай дилга кўмдим.  
Ҳеч нарса бўлмагандай,  
Ҳеч нарса билмагандай  
Шоду хандон юрибман,  
Мана, кулиб турибман.  
Фақат кўнглим йиғлайди.

Сени оқ нурга ўраб  
Олиб кетди янгалар.  
Ёш бошимга қора кун  
Солиб кетди янгалар.  
Кимга айтай додимни,  
Кимга керак кўзёшим.  
Энди менга дард ҳамдам,  
Алам бўлсин йўлдошим.  
Қўл ювиб дунёсидан,  
Ишқ деган ғавғосидан,  
Эркин қушдай юрибман,  
Мана, кулиб турибман.  
Фақат кўнглим йиғлайди.

Ўзинг ақлли қизсан,  
Тўғри сенинг қароринг.  
Айт, гулим, нима билан  
Бўлайин харидоринг?

Сен шахарнинг эркаси,  
Нозик гули, лоласи.  
Узр, бир севибди-да  
Камбағалнинг боласи.  
Бу кунлар ҳам ўтар деб,  
Ёруғ тонглар отар деб,  
Дилим алдаб юрибман,  
Мана, кулиб турибман.  
Фақат кўнглим йиғлайди.

Бироқ гоҳи-гоҳида  
Дил кўмсайди зиёни.  
Сенга термулгим келар  
Унутиб бор дунёни.  
Шунинг учун баъзида  
Тушимга кириб тургин,  
Шунчаки, кўнгил учун  
Аҳволим сўраб тургин...  
Ярамни янгилатиб,  
Дилим алангалатиб,  
Сени эслаб юрибман,  
Қара, кулиб турибман.  
Фақат кўнглим йиғлайди.

*2010*

## Армон

Армон бўлдинг, эй ширин хавас,  
Интилдим-у, етмади қўлим.  
Юзларини кафтларим эмас,  
Шабадалар силаган гулим.

Сендан айро тушгандан бери  
Узукдайин торайди дунё.  
Дард сотволдим кўнглимни бериб,  
Мени гадо этди бу савдо.

Умидвордир барибир юрак,  
Ниманидир мудом кутаман.  
Ишқ ҳақида тўқийман эртак  
Ва сўнгида бахтга етаман.

Аммо ҳаёт – қаттиққўл ҳакам  
Тан олмайди ҳеч бир кимсани.  
Ялинсам ҳам, истамасам ҳам  
Унуттирар бир қуни сени.

*2011*

## Учрашув

Биз учрашдик, йўқ, бизлар эмас,  
Ёлгон билмас кўзлар учрашди.  
Чакмоқ чақиб ўтди бир нафас,  
Кул қоплаган ҳислар учрашди.

Иккимиз ҳам тобора ёлғиз  
Одам тўла бу тор бекатда.  
Сен – бепарво, қарайсан тез-тез  
Кўлингдаги пушти соатга.

Мен ўйлайман: йўқми хотирот  
Бу қизнинг тош юракларида?!  
Барин кўмиб юборган нахот  
Дорилфунун йўлакларига?!

Бироқ мен ҳам бепарқман гўё,  
Унутгандай тутиб ўзимни,  
Изтиробим сезмагин дея  
Яшираман сендан кўзимни.

Сўнг биринчи келиб тўхтаган  
Автобусга чиқаман шошиб.  
Кетай дейман кўксимга тикан  
Санчаётган ҳислардан қочиб.

Бир ўй қийнар: менга бир замон  
Бахтлар берган бундай учрашув  
Нахот энди ёғдирар армон,  
Нахот энди улашар қайғу?!

2011

## Кунларим

Кун ёйилгач жўнайман ишга,  
Кун қайтганда қайтаман ишдан.  
Кўникканман шундай турмушга,  
Бўшамайман ҳар кун ташвишдан.

Бироқ сени доим нимадир  
Атайлабдан ёдга солади.  
Шу ҳаётдан мени барибир  
Айиради, тортиб олади.

Мана, жўшиб турган фаввора  
Эслатади кулгуларингни.  
Балки у ҳам мендай овора  
Жиловлалмай туйғуларини.

Анҳор суви шундоқ ёнимдан  
Ўтиб кетар сен каби шошиб.  
Йўл юришдан тўхтаيمان шу дам,  
Недир келар кўнглимдан тошиб.

Ҳатто сенинг исмингга адаш  
Дўкон номи гулга ўхшайди.  
Қайларгадир беркинган оташ  
Ҳисларимни яна кўзгайди.

Уйғоқ соғинч билан уззукун  
Бир куй оқар жисму жонимда.  
Ҳар қадамда чорлайсан, лекин  
Ўзинг йўқсан, гулим, ёнимда.

2011

### **Севгисиз оқшом**

Жонингдан ўтади бир кун ҳаммаси,  
Гоҳо ҳаммасидан келади кечгинг.  
Юрагингга тўлган ёшларни эмас,  
Бир ҳовуч юлдузни келади ичгинг.

Очиқ деразадан термиласан жим,  
Юзингга атайлаб урилар парда.  
Наҳот соғинмаса, кутмаса ҳеч ким  
Сени шундай улкан, гавжум шаҳарда.

Оқшом чўккан. Ана, қайтишар ишдан,  
Уйга сиғмаганлар чиқар сайрга.  
Сенинг юрагингга бир малол тушган,  
На кўкка сиғасан ва на-да ерга.

Сен учун кўз юмган ўша муҳаббат  
Сендан ҳам кўз юмган аллақачонлар.  
Энди даврон ўзга, ўзгадир фурсат,  
Кўлингда қолмаган энди имконлар.

Афсус, юлдузларни бўлмади ичиб,  
Жавоби йўқ энди саволларингни.  
Энди жим ўйлайсан баридан кечиб  
Унутмоқчи бўлган хаёлларингни.

*2011*

## Оқ йўл

Сизга оқ йўл тилай, қора кўзлигим,  
Яхшиларга боринг ва яхши боринг.  
Эй ширин сўзлигим, ёлғон сўзлигим,  
Сиз ҳам ҳаммасини тақдирдан кўринг.

Фақат оғир бўлар айрилиб кетмоқ,  
Жондан кечмоқ оғир кечади фақат.  
Кўксимни пармалаб турса-да фироқ,  
Сизга бахт тилайман, ўзимга тоқат.

Ортиқ сиқилмайман. Бўлди! Етади!  
Бир марта келаман, ахир, дунёга.  
Нукул дод-вой билан умрим ўтади  
Аза тутаверсам ҳар бевафога.

*2011*

## Агар

Ҳар ким ўз кўнглига ўзидир эга,  
Ҳар ким ўзи танлар ҳаёт йўлини.  
Сенинг юрагингга от солай нега,  
Нега пайҳон этай биров кўнглини?!

Агар истамасанг, недир маъноси,  
Нимага арзийди интиқ кутганим,  
Ич-этим ўртаниб, юрагим озиб  
Юрар йўлларингдан излаб ўтганим?

Тўғрисин айтавер, шубҳа йўқ бўлсин,  
Айтгин, адашдимми шамолдек дайдиб.  
Гар кўнглинг йўқ бўлса, кўнглинг тўқ бўлсин,  
Ёнингга ҳеч қачон келмасман қайтиб.

*2011*



## Табиат ташбеҳлари

### Қиш

Уятсиз жазмандай эшилар тутун,  
Мўриларнинг юзи қорайиб кетар.  
Охири йўқ йўллар чўзилар узун,  
Қишлоқлар оппоқ ун орқалаб ўтар.

Азадор аёлдай увлар изғирин,  
Ҳатто ҳиссиз музлар тўка бошлар ёш.  
Тўшакка михланган чол каби ҳорғин  
Кулимсираб қўяр мажолсиз куёш.

Ҳавода булутлар айланар қарахт,  
Камбағалдай қақшар ялангоёқ қуш.  
Буғу шохларидай япроқсиз дарахт  
Ям-яшил баҳорни кўриб ётар туш...

2008

## **Кузги боғ**

Дийдалари қотган эски жарроҳдай  
Япроқларни ҳиссиз узиб ташлар куз.  
Шамол қайлардадир чалади сурнай,  
Дунё нелардандир чекади афсус.

Борлиқ жим қарайди бу ажиб ҳолга,  
Дарахтлар қочгани тополмас имкон.  
Мени эса тинмай тутар саволга  
Япроқлар юзида қотиб қолган қон.

*2011*

## Соғинч манзараси

Қишлоқ тепасида ой сузади жим,  
Қадим оҳангида куйлар чирилдоқ.  
Алла тинглаётган гўдакдай маъсум  
Сокин тун қўйнида тинч ухлар қишлоқ.

Сўрида ётибман – серюлдуз осмон,  
Ёруғ кенгликларга термилиб ғамгин.  
Шу дам юрагимда уйғотиб армон  
Олислардан садо берар илк севгим.

Йироқ-йироқларга кетдим адашиб,  
Бугун мен ўзимга қайтмоқ истаيمان.  
Қўлларим кенг ёйиб, вужудим жўшиб  
Ўтли-ўтли қўшиқ айтмоқ истаيمان.

Келинг, юрагимни бир чайиб олай,  
Ойга ойна бўлган покиза сувлар.  
Югурик қонимга қувват беринг, ҳей,  
Тонг нафаси янглиғ тоза туйғулар.

*2011*

## Тун

Борлиқ тароватга чулғанмиш жуда,  
Осмон – жимир-жимир мавжланган денгиз.  
Шундай сокин, шундай хилват кечада  
Бўй етган тўлин ой чўмилар ёлғиз.

Ўз ҳуснига ўзи мафтун бу гўзал  
Ҳеч кимга, ҳеч нега парво қилмайди.  
Ер бағридан унга минг-минглаб кўзлар  
Тикилиб турганин ҳали билмайди...

2011

## Куз арафаси

Турналар кур-курлаб учди ярим тун,  
Мунгли сасларидан сесканди осмон,  
Куз яқинлаб қолган заминдан дилхун  
Жўнадилар яшил ўлкалар томон.

Кундузи қуёш ҳам мулойим тортди,  
Булутлар беркитди унинг кўзини,  
Шом чоғи бўзариб, имиллаб ботди,  
Илк марта мадорсиз сизди ўзини.

Бу пайт кафтларини манглайга қўйиб  
Оғочлар боқарди уфққа маъюс.  
Олислардан тоғ-тоғ тиллосин уюб  
Келар эди пулдор ва раҳмсиз куз.

*2011*

## Ёз

Одамлар сочилган кенг далаларга,  
Ҳаммани бирдайин бодрок қилар ёз.  
Ботиб кетса ҳамки қоп-қора терга  
Ҳеч ким бош кўтармас, чиқармас овоз.

Тобора авж олар жизғанак ўйин,  
Қушлар ҳам сайрамас, нафас ютади.  
Ҳамма димиққандан қисади бўйин,  
Енгил шабадани интиқ кутади.

Ёз – мағрур. Гўё у мангу ҳукмрон,  
Билмайди дунёнинг терс, торлигини.  
Билмайди бор-буди бўлишин вайрон,  
Олдинда қасоскор куз борлигини.

*2011*

## **Кўклам**

Касалдайин ҳолсиз, синикқан  
Табиатга ранг берди кўклам.  
Қон югурди мудроқ, намиққан  
Оғочларнинг танасига ҳам.

Уларга гул-чечаклар тақиб,  
Бошлади бир тўй айёмини.  
Қизғалдоқдан оловлар ёқиб  
Янгилади ҳаёт шамини.

Ана, ял-ял кийимли қизлар  
Кетиб борар Наврўз сайлига.  
Тирилади биз кутган ҳислар,  
Чорлар яна боғлар сайрига.

Деворларга кўкрагин бериб,  
Қизиксиниб бўй чўзар анор.  
Қизчалардай қизғалдоқ териб  
Ўйнаб юрар кўчада баҳор.

Ҳовлиларда, дашту далада  
Бир эзгулик руҳи кезади.  
Ҳаёт жўшган шундай паллада  
Кўнгилга бир эпкин эсади.

Кўклам – кўнгли тоза болакай  
Ҳаммамизга гул-чечак тутар.  
Ва заррача шубҳага бормай  
Ҳаммамиздан яхшилик кутар.

*2011*

## Ўйларим

### **Она кўнгли**

Ўғли ўғри, каззоб бўлса ҳам  
Она кўнгли умидга тўлар:  
Ҳали одам бўлади болам,  
Ҳамма ҳавас қилгулик бўлар.

Тонг саҳарми ёки вақти шом  
Чин юракдан қилар дуолар.  
Балки шундан – бало бўлса ҳам  
Боласига урмас балолар.

Она кутар, интизор кутар,  
Вақт имиллар, совиб қолар чой.  
Гўё ундан хол сўраб ўтар  
Кўнгил каби яримлаган ой.

Она кутар, умиди ўлмас,  
Кўзларига сингар ноласи.  
Энди қайтиб келмайди, билмас,  
Йўл йўқотган гўдак боласи.

2010



## **Ногох...**

Ногоҳ сескандингми кўнглинг увишиб,  
Ийманиб, қимтиниб турган гўзал қиз,  
Дугонанга бир-бир гаплар отишиб  
Йигитлар ёнингдан ўтганда сўзсиз.

Қўркма! Бу алдамчи ҳадикдан кечгин,  
Қўркма! Ва бир сирни билиб олгин хўб:  
Сенга гап отишни ўйламас ҳеч ким,  
Аммо уйланишни мўлжаллаган кўп!

*2011*

## Тўй

Орзу-хавас чинга айланди бугун,  
Бир қизнинг ҳовлиси бугун тўйхона.  
Тинмай жилмаяди меҳмон кўнгли-чун  
Бахтиёр ота ва бахтиёр она.

Сурнай нола қилар, дутор сайрайди,  
Куй-қўшиқ оламини кўтарар бошга.  
Бугун ҳамма хурсанд, ҳамма яйрайди  
Тўйи бўлаётган шу қиздан бошқа.

*2011*

## **Ошиқ ўйин**

Бу қиз билан севишмоқ осон,  
Сутдек дарров пишар савдойинг.  
Гўё унга ошиқ бўласан,  
У ҳам бўлар гўё адойинг.

Силаб-сийпаб, сийлаб суюсан  
Кукувлашган мусичалардек.  
Севгидан ҳам лекин тўясан,  
Жонга тегар бир кун яқинлик.

Нуқта қўйсанг барига шу пайт,  
Кутулволсанг – омадинг кулди.  
Феълдинг айниб уч кунлик сутдай,  
Чиндан севиб қолмасанг бўлди.

*2011*

## **Ажаб**

Кўпчиликнинг лабини кўрган  
Пиёлалар ювилгач такрор  
Жирканмай чой ичган сингари  
Кўпни кўрган, кўпга ўптирган  
Қийиқ қизни кучар йигитлар  
Бир парини кучган сингари.

Таманноли гўзал қошида  
Йигитлар гоҳ чўкадилар тиз  
Висолига эришмоқ учун.  
Лек ҳеч бири ҳатто тушида  
Истамайди шундай жонон қиз  
Ўз хотини бўлиб қолишин.

*2011*

## **Баҳс**

Яхши қиз узоққа тушмасмиш ҳечам  
Маҳалла-қўйдан, ота уйдан.  
Балки унга фарқи йўқлиги учун  
Уч кун олдин хабар топар тўйдан.

Одамнинг ўзига боғлиқ бу нарса,  
Яхши қиз, майлими бир сирни айтсам:  
Агар қўйиб берса, сал анқов бўлса,  
Маҳалладан ортмас яхши йигит ҳам.

*2011*

## Қишлоққа сафар

### Қишлоққа сафар

Кенг, катта шаҳарда кўнглим сиқилиб,  
Бир хил кунларимдан зериккан чоғим  
Гоҳи онам бўлиб, гоҳ отам бўлиб  
Мени чорлайверар олис қишлоғим.

Бир кун отланаман, интиққан кўнглим  
Мендан бурун ўтар довондан ошиб.  
Кетаман тўхтагим келмасдан бир зум,  
Хушxabар элтётган чопардек шошиб.

Мана, уйга келдим, тўлдирди бағрим  
Муштоқ ота-онам ва жигарларим.  
Уларнинг бағрини тўлдирдим мен ҳам,  
Бирпасда ёйилди хушxabарларим.

Ў-хў, ўзгариш кўп, янгиланиш кўп:  
Менга етишибди укамнинг бўйи.  
Икки ой ичида қурилиш бўлиб,  
Бузилиб кетибди бобомнинг уйи.

Бир-икки кун ўтгач, кўлларим бўшаб,  
Аста йўл оламан дала-туз томон.  
Пойимга ўтлардан гиламлар тўшаб  
Мени кутиб олар далалар шодон.

Товондан юракка ўтиб борганда  
Теранроқ туяман тупроқ тафтини.  
Турмушни англайман сиқиб кўрганда

Дехкон одамларнинг қадоқ кафтини.

Сафарим қарийди уч-тўрт кун ўтмай,  
Яна Тошкентларга бурадирман юз.  
Менга эргашолмай қолган укамдай  
Тераклар қўл силкиб кузатар маъюс.

*2011*

## Ҳаёт

Ҳаёт, ҳаёт... Доимий ғолиб,  
Усуллари кўхна ва янги.  
Юрагимга тушовлар солиб,  
Асабимга ниқтар узанги.

Ана, синглим далада юрар,  
Чўғни босиб чопади кетмон.  
Пайкалларда кезиб ўт терар,  
Авжи тушда тўплайди сомон.

Нозик қўллар бойлайди қадоқ,  
Мен бу ҳолга қарайдирман жим.  
Кундан-кунга қўлим нозикроқ  
Ва дағалроқ тортади кўнглим.

Бундай пайтда бари – бир чақа,  
Бундай дардга бир ҳамдаминг йўқ.  
Иложсизлик, рангинг қанақа!?  
Тутиб эзай десам думинг йўқ.

Тирикчилик – олғир киссакур  
Чўнтагимни беармон шилар.  
Қўйиб берсам энди баҳузур  
Юрагимга тушмоқчи бўлар.

Ҳаёт, ҳаёт... Эй ғирром ғолиб,  
Шу ҳолимга кулиб турибсан.  
Бўлди энди, энди тамом деб,  
Тиз чўқар деб кутиб юрибсан.

Бари яхши бўлади бир кун,  
Ўнгланади бир кун ҳаммаси.



Ювилади юрагимдан хун,  
Ўчиб кетар бу ғам тамғаси.

Сен ҳозир кул бағримни чўқиб,  
Қўзларимга тўлдир майли қум.  
Самандардек ўтдан соғ чиқиб,  
Бир кун сени енгади руҳим!

*2011*

## Содда одамлар

Шу фурсат шеър айтай шаънингизга бир,  
Номингизни яйраб ёзсин қаламлар.  
Муҳаббатим сизга, меҳрим сизгадир  
Эй содда одамлар, мўмин одамлар.

Бирингиз отамдай бирсўз, бериё,  
Бирингиз онамдай мушфиқ, хокисор.  
Симобдай беқарор бу олам аро  
Кўнглимга сизлардан яқинроқ ким бор!?

Яхши гап-сўзларга тезда ишониб,  
Мудом яхши кунни кутиб яшайсиз.  
Юртга ош бергандан чандон қувониб,  
Борингиз бировга тутиб яшайсиз.

Гарчи дастурхонда нонингиз ярим,  
Кўнглингиз тўқ сизнинг, кўнглингиз бутун.  
Дунёнинг ишларин ўйлаган сарим  
Шукрлар айтаман борлигингиз-чун.

Меҳримни ифода этайин қандай,  
Буғдойлар тўлсин-эй уйларингизга.  
Қамишдан бел боғлаб кадрдон дўстдай  
Шеърим хизмат қилсин тўйларингизда.

2011

## Юртим болалари

Қишлоқ Рамазонни кутади ойлаб,  
Бу ой бутун олам ҳайратда қолар:  
Улкан дуоларни кўнглига жойлаб  
Рамазон айтади митти болалар.

Бўйлари баланд-паст – туришар қатор,  
Юзлари бўжалок, юраклари оқ.  
Жўр бўлиб энг эзгу кўшиқни айтар,  
Кўзлари қоп-қора, тилаклари оқ.

Ёмон назарлардан асраб, яшириб  
Умид олиб келар эшигингизга.  
Ўзидай қоракўз, ўзидай ширин  
Ўғиллар тилайди бешигингизга.

Сиз ҳам улашасиз топган-тутганни,  
Мириқиб-мириқиб яйрайди улар.  
Сезмай ҳам қоласиз дард кетганини  
Кўнглингиз юганда тиниқ кулгулар.

Асли, эҳсон қилар болалар сизга,  
Аямай сочади бахт даракларин.  
Бир ҳовуч туршагу қанд-курсингизга  
Алишиб кетади пок тилакларин.

2011